

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ОБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ ВАҚТ (ХОЛАТ) БЕЛГИСИ ТАҲЛИЛИ

Нодирбек Омонович Юсупов

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, мустақил изланувчи

yunusovtimur160@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектив томонининг вақт (холат) белгиси илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади, масалага оид қонунчиликдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: объектив томон, зарурӣ белги, жанговар вазият, жанговар вазифа, аксилтеррор операция, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш, қуролли тўқнашув, можаро, фавқулодда ҳолат.

ABSTRACT

In the article, the time (state) sign of the objective aspect of crimes against the order of military service is analyzed by scientific and legal point of view, some legal problems and their solutions are discussed.

Keywords: the objective side, necessary sign, combat situation, combat mission, anti-terrorist operation, destruction of illegal armed structures, armed conflict, incident, state of emergency

КИРИШ

Жиноят таркибининг объектив томони тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайдиган, жиноят қонун билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташки ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга белгилар йиғиндисидир [1]. Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, объектив томоннинг зарурӣ ва факультатив белгилари мавжуд. Факультатив белгилар қаторига жиноят содир этиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли, воситаси кабилар киритилади. Агар қонунда мазкур белгилар бевосита кўрсатилган бўлса, улар зарурӣ белги бўлиб ҳисобланади. Масалан, жанговар вазиятда буйруқларга бўйсунмаслик (ЖК 279-моддаси З-кисми) одатий, кундалик вазиятда содир этилган шу турдаги

жиноятдан кўра оғирроқ жавобгарлик келтириб чиқаради. Амалдаги ЖКнинг VII бўлимида жами 13 ўринда, яъни, 279, 280, 281, 283, 286, 287, 289, 290, 291, 295, 296, 301, 302-моддаларида “жанговар вазият” тушунчаси қўлланилган бўлсада, кодекснинг ўзида ҳам, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳам унинг аниқ таърифига оид қоидалар учрамайди. Шунингдек, Умумҳарбий низомлар ва бошқа айрим норматив-хуқуқий, идоравий ҳужжатларда “жанговар вазифа” тушунчаси ҳам мавжуд. Шу боис, қуйида биз мазкур икки тушунчани амалдаги қонунчиликнинг мазмуни, бир қатор олимларнинг фикрлари, шунингдек, масалага оид бошқа ишланмалар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз ҳамда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектив томонининг бошқа вақт (ҳолат) белгиларига тўхталамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жанговар вазифа бу командир (қўмондон) томонидан қўшилма, бирлашма, бўлинма ва бошқа тузилмалар олдига жангда (операция)да эришилиши лозим бўлган мақсад ва муддатни кўрсатган ҳолда қўйилган топшириқ [2]. Жанговар вазифани бажариш ҳақидаги топшириқ ҳарбий хизмат учун аниқ, муҳим мақсадларни кўзлайдиган ҳарбий хизматчининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига кўядиган зарурият билан ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомида жанговар вазиятнинг айрим элементларини (жанговар вазифа шаклида) учратиш мумкин. Чунончи, 10-банднинг мазмунидан, қоровул хизматини ўташ жанговар вазифа эканлиги англашилса, 360-бандга кўра эса жанговар навбатчиликни ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади [3].

В.А. Владимиров жанговар вазиятни ҳарбий тузилманинг рақиб билан юзма-юз келган вақтида ёки тинчлик ёхуд уруш даврида жанговар вазифани бажаришга тайёргарлик кўриш ҳолати деб тушунтиради [4]. Х.М. Ахметшин ва А.А. Тер-Акопов жанговар вазиятни ҳарбий қисмнинг рақиб (душман) қўшинлари билан бевосита юзма-юз ва яқин жойлашиши бўлиб, бу тинчлик даврида ҳам уруш ҳолатида ҳам юз бериши мумкин деб тушунадилар [5]. А.Г. Горныйнинг фикрича, жанговар вазият жанг (операция) олиб бориладиган ва унга тайёргарлик кўриладиган шарт-шароитлар йиғиндиси бўлиб, у нафақат уруш ҳолатида, балки тинчлик даврида ҳам масалан, локал қуролли можаролар, мамлакат худудига ҳарбий бўлинмалар ёки қуролланган гуруҳларнинг бостириб кириши, ҳаво ва денгиз худуди даҳлсизлиги бузилиши, шунингдек, байналминал бурчни бажаришда ва бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин [6]. М.Х.

Рустамбаевнинг айтишича, жанговар вазият деганда қуролли тўқнашув ёки ҳарбий бўлинманинг душман билан шундай тўқнашуви хавфи билан характерланувчи тезкор вазият тушунилади. У уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келиши мумкин. Тинчлик вақтида ҳарбий вазият Ўзбекистон Республикаси худудининг бутунлиги ва дахлсизлигига қарши йўналтирилган нодавлат ҳарбий ташкилотларнинг қуролли ҳаракатлари чоғида юзага келиши мумкин [7]. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғатида “Жанговар вазият душман кучларининг ҳолати (таркиби, жойлашган ўрни, мақсади), ўз қўшинларининг ҳолати (таъминот даражаси, жанговар имкониятлари) ва қўшин қисмларининг ҳолати, радиациявий, кимёвий ва бактериологик (биологик) вазиятнинг хусусияти; ер (рельеф) шароити, жой-районнинг иқтисоди, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий таркиби ва кайфияти; метеорологик ва иқлимга оид маълумотлар; жанговар вазифа бажарилиши лозим бўлган муддат ва бошқаларни ўз ичига олади. Жанговар вазият барча турдаги разведка маълумотлари, кичик командирларнинг ҳисоботлари, қўмондон (штаб) ахборотлари, асиrlарни ва душман томонидан қочиб ўтганларни сўроқ қилиш ва бошқаларга қараб белгиланади” дейилади [8]. МДХ мамлакатлари қонунчилиги таҳлили “жанговар вазият” тушунчасининг фақат айrim давлатларда жиноят кодекслари билан мустаҳкамланганини кўрсатди. Хусусан, Украина ЖК 402-моддасига мувофиқ, жанговар вазият деганда ҳужумкор, мудофаавий ёки бошқа кўринишдаги умумқўшин, танқ, ҳаво ҳужумига қарши, ҳаво ва бошқа жанглардаги вазият, яъни ҳарбий қурол ва техникани рақибга қарши ёхуд рақиб томонидан бевосита қўллаш тушунилиши лозим. Ҳарбий қўшилма, қисм (кема) ёки бўлинма иштирок этаётган жанг вазияти жангнинг амалдаги бошланиши (тугаши) ёхуд жангга киришиш (жангни тўхтатиш) ҳақидаги буйруқ билан бошланади ва тугайди [9]. Озарбайжон ЖК 328-моддасига кўра, жанговар вазият деганда душман билан бевосита тўқнашиш ёки ҳарбий қисм ёхуд ҳарбий бўлинманинг жанговар операцияларни амалда бажариши (ўтказиши) тушунилади [10]. Қирғизистон Республикаси ЖК 1-иловаси 26-бандида жанговар вазият жанговар ҳаракатлар ҳудудида муайян вақтда юзага келадиган шарт-шароит ва омиллар йиғиндиси деб тарифланади [11]. Кўриб турганингиздек, назарияда ҳам, амалиётда ҳам “жанговар вазият” атамаси турлича тушунилади.

Шу билан бирга, бу борада Қуролли Кучлар тузилмалари амалиётида қўлланиб келинаётган, лекин қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилмаган баъзи масалалар ҳам учрайди. Чунончи, ҳарбий хизматчилар фаолияти давомида

аксилтеррор операциялар, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш каби турли амалиётларга жалб этиладилар, шунингдек, уруш ҳолати эълон қилинмайдиган қарама-қарши томонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, миллий, этник, диний ва бошқа зиддиятларни ҳал этиш мақсадидаги миқёси чекланган ички қуролли тўқнашув ёхуд можароларда жанговар вазифаларни бажаришлари мумкин. Бироқ ЖКнинг еттинчи бўлимида қайд этилган ҳолатларнинг бирортаси квалификацион таркиб ёки зарурий белгилар сифатида назарда тутилмаган.

Фикримизча, амалга оширилган таҳлил натижасида шундай хулосага келиш мумкин: жанговар вазият ва жанговар вазифа жанг (операция)га ҳар томонлама тайёргарлик қўриш ҳамда аниқланган маълумотлар асосида қўйилган топшириқни ижро этишга қаратилган комплекс ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланиб, улар бир-бирини тақазо қиласи ва бир-биридан мустақил мавжуд бўла олмайди. Назаримизда, аксилтеррор операциялар, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш, уруш ҳолати эълон қилинмайдиган миқёси чекланган ички қуролли тўқнашув ёхуд можароларда маҳсус топшириқларни бажариш, шунингдек Умумҳарбий низомларда назарда тутилган қоровул хизматини, жанговар навбатчиликни ўташ фаолияти каби жанговар вазифалар ягона жанговар вазият тушунчаси билан қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Ундан ташқари, Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Қонун 8 ва 25-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий хизматчилари терроризмга қарши кураш фаолиятида иштирок этадилар [12].

Бинобарин, ЖКнинг VIII бўлими (Атамаларнинг хуқуқий маъноси)да “жанговар вазият”нинг аниқ тушунчасига оид қўйидаги қўшимча киритилиши тарафдоримиз:

“жанговар вазият – ҳарбий хизматчиларнинг уруш даврида душман билан бевосита қуролли тўқнашуви ёки бошқа ҳарбий ҳаракатлардаги иштироки, шунингдек, тинчлик даврида локал қуролли (ҳарбий) можаролар, аксилтеррор операцияларда маҳсус топшириқларни бажариш, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа жанговар вазифаларни бажаришга доир ҳаракатларни амалга ошириш ва уларга тайёргарлик қўришдан иборат комплекс шартшароитлар йиғиндиси”.

Шу билан бирга, Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги Қонун 5-моддасига кўра фавқулодда ҳолат:

реал ташқи хавф, Ўзбекистон Республикасининг конституцияйий тузумини ва (ёки) ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, шунингдек зўравонлик ҳаракатлари билан бир вақтда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг кундалик фаолиятига бевосита таҳдид соловчи ўта муҳим ҳамда тоифаланган объектларни ёки айрим жойларни тўсиш ёки босиб олиш, қонунга хилоф қуролли тузилмаларни тайёрлаш (ташкил этиш) ва уларнинг фаолияти, миллатлараро, конфессиялараро ва чегаравий низолар;

кенг қамровли авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилишини талаб этадиган йирик ҳалокатлар, табиий оғатлар, эпидемиялар ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, фавқулодда экологик вазиятлардир. Қонуннинг 21, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ, ҳарбий хизматчилар фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш (сақлаб туриш)га жалб этилиши мумкин [13]. Фикримизча, ЖКнинг 279, 280, 281, 283, 287, 289, 290, 295, 296, 301, 302-моддалари “жанговар вазият” сўзларидан кейин **“ёки фавқулодда ҳолат шароитида”** сўзлари билан тўлдирилиши зарур. Ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартиб-қоидаларини табиий оғатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш жараёнида бузиш ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан юқорилиги билан ҳарактерланади, бундай ҳуқуқий режим даврида белгиланган вазифалар кундалик ҳарбий хизматни ўташ пайтидаги вазифалардан тубдан фарқ қиласди, фавқулодда ҳолатлар шароитида содир этилган бу турдаги қилмишлар ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибиغا таҳдид солиш билан бирга, давлат ва жамоат хавфсизлигига ҳам бевосита хавф туғдиради, ҳарбий хизматчилар томонидан қўриқланиши лозим бўлган давлат суверенитети, хавфсизлиги, аҳоли тинчлигига уларнинг ўзлари таҳдид манбаи бўлиб қоладилар. Биз бунда ЖК VII бўлими барча ўринларидағи “жанговар вазият” сўзларидан кейин **“ёки фавқулодда ҳолат шароитида”** сўзлари билан тўлдирилиши тарафдори эмасмиз. Масалан, ҳалқаро нормаларга мувофиқ, фақат уруш ҳаракатлари вақтида ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини эгаллаб олиш ЖК 286-моддасидаги мародёрлик жинояти таркибини келтириб чиқаради ва уни фавқулодда ҳолат шароити билан тенгланшириб бўлмайди. Ёки Қуролли Кучлар Ички хизмат низоми 10-бандининг мазмунига кўра, қоровул хизматини ўташ ўз-ўзидан жанговар вазифа ҳисоблангани боис, ЖК 291-моддаси 3-қисмида ҳам фавқулодда ҳолат шароитини назарда тутиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли назаримизда,

жанговар вазиятда қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш квалификацион белгиси ЖК 291-модда учинчи қисмига ортиқча киритилген бўлиб, тавтологик характерга эга ва келгусида чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқ.

МДХ мамлакатлари доирасида Қозоғистон [14] ва Қирғизистон [15], шунингдек, Европанинг Албания [16], Сербия [17], Эстония [18] каби мамлакатлари қонунчилиги амалиёти ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган тегишли нормалар диспозициясининг ўзида мазкур таркибларни фавқулодда ҳолат шароитларида содир этганлик оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилганини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган таклифлар фикримизча, келгусида мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солиша қонунчиликдаги айрим пробелларни тўлдиришга хизмат қиласди.

REFERENCES

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси. I том. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018., 174 б.
2. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент – 2007, 72 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрь ПФ-1571-сон Фармони билан (рус тилида) тасдиқланган, <https://nrm.uz/contentf?doc=140261>
4. Владимиров В.А. Советское уголовное право. Часть Особенная. М., 1979, стр. 533
5. Ахметшин Х.М., Тер-Акопов А.А. Советское уголовное право. М., 1978, стр. 51
6. Владимиров В.А. Советское уголовное право. Часть Особенная. М., 1979, стр. 28
7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуқи курси. V том. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018., 309-310 б.
8. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент – 2007, 73 б.

9. Уголовный кодекс Украины, утвержден законом от 5 апреля 2001 года № 2341-III, электрон манбага мурожаат санаси: 04.08.2022 й., <http://continent-online.com>
10. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики, утвержден Законом от 30 декабря 1999 года № 787-IQ, электрон манбага мурожаат санаси: 01.07.2022 й., <http://continent-online.com>
11. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики, утвержден законом от 28 октября 2021 года № 127, электрон манбага мурожаат санаси: 27.09.2022 й., <https://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>
12. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги 167-II-сон қонуни, <https://lex.uz/docs/29526>
13. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги ЎРҚ-737-сон Қонуни, <https://lex.uz/docs/5774840>
14. Уголовный Кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК, Глава 18, Воинские уголовные правонарушения; электрон манбага мурожаат санаси: 10.10.2022 й., https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252
15. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики, утвержден законом от 28 октября 2021 года № 127, Раздел X. Преступления против военной службы; электрон манбага мурожаат санаси: 27.09.2022 й., <https://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>
16. ВУК Албании, утвержден законом от 28 сентября 1995 года № 8003, электрон манбага мурожаат санаси: 17.09.2022 й., http://www.mod.gov.al/images/akteligjore_kodipenal/1.pdf.
17. Crime code of Serbia, утвержден законом от 29 сентября 2005 года № RS053, Глава 35. Criminal offences against the army of Serbia, article 417, электрон манбага мурожаат санаси: 03.11.2022 й., <https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/details17052>
18. Penal code of Estonia, утвержден законом от 06 июня 2001 года № RT I 2001, 61, 364, Глава 24. Offences relating to service in defense forces, электрон манбага мурожаат санаси: 27.09.2022 й., <https://derechos.org/intlaw/doc/est1.html>